



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажакда буюк давлат

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 27 август, № 184-185 (7964-7965)

Жума

Сайтмига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз Куролли Кучларининг жанговар тайёргарлигини оширишдаги алоҳида хизматлари, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, қонун устуворлиги ва тинчликни таъминлаш, барқарорлик ва жамоат тартибини мустақамлаш борасидаги шарафли бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани, соҳада юқори малакали кадрларни тайёрлаш, ёш авлодни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш йўлидаги кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотлансин:

#### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист» фахрий унвони билан

Камилов Козимджан Фазилович — Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси

#### «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

Алматов Закиржон — Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг маслаҳатчиси

#### I даражали «Шон-шараф» ордени билан

Йўлдошев Нигматилла Тўлқинович — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори

#### II даражали «Шон-шараф» ордени билан

Ачилов Кахраман Абдуманович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округи қўшинлари қўмондонининг биринчи ўринбосари  
Бердиев Абдор Иномжанович — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари бригада командири  
Каршиев Хамдам Алиқулович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ўринбосари  
Норов Сохибжон Зикриллаевич — Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаси бошқарма бошлиғи  
Раҳматуллаев Аюбхон Тошхужаевич — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси бошқарма бошлиғи  
Шерматов Фарходжон Ортикович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округи қўшинлари қўмондони

#### «Меҳнат шухрати» ордени билан

Азимов Муротжон Бердиалиевич — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг раиси

#### «Мардлик» ордени билан

Валиев Бахриддин Баҳоидирович — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг биринчи ўринбосари  
Ганиев Мамиржон Жамолдинович — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг ўринбосари  
Избосаров Ағзам Фахридинович — Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Бош штаби бош бошқармаси бошлиғи  
Ирисов Асомжон Ўқтамович — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари взвод командири  
Ишанқулов Сабиржон Жумадилаевич — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари бригада командири

(Давоми 2, 3-бетларда).

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ БОТИР ЗОКИРОВНИ «ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзининг буюк истеъдоди, ноёб ва бетакрор ижоди билан ўзбек эстрада санъатида асос солиб, миллий маданиятимизни ривожлантириш, унинг шон-шухратини дунё халқлари ўртасида кенг тарғиб этишга қўшган беқасб хиссаси, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш борасидаги унутилмас хизматларини инobatта олиб ҳамда таваллудининг 85 йиллиги муносабати билан халқимизнинг ардоқли фарзанди, буюк санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти, марҳум Ботир Каримович Зокиров «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотлансин.

#### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2021 йил 26 август

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлиси тўғрисида

#### АХБОРОТ

2021 йил 26 август куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади.

Видеоконференцалока тарзида ўтказилган мажлисда ҳукумат аъзолари ва идоралар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ялпи мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлисда Сенатнинг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали тўғридан-тўғри намоёниш этилди.

Парламент юқори палатасининг ўн еттинчи ялпи мажлисида Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар ҳамда Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмиталари, Махаллий ҳокимият вакиллик органлари

фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссия, Вазирлар Маҳкамаси ва Тошкент вилояти ҳокимлиги мутасаддилари билан биргаликда бир ой муддатда муаммони ҳал қилиш чораларини кўриши натижаси бўйича ахборот киритиши белгиланган эди.

Сенатнинг ўн саккизинчи ялпи мажлисида мазкур ўрганиш натижалари бўйича юқори палатанинг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси М. Қодирхонова ахборот берди.

Ялпи мажлисда Ташқи ишлар вазирлигининг 2021 йил биринчи ярим йиллик фаолияти тўғрисидаги ахбороти айтилди.



### Акс садо



Ўтган ҳафта мамлакатимиз ҳаётида том маънодаги тарихий воқеликларга бой бўлди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг матбуотда эълон қилинган интервьюси, мутлоқо янгича форматдаги тадбиркорлар билан очиқ мулоқоти халқимиз асрлар давомида интиқиб кутган олий орзу-мақсадлари — эркин ва фаровон ҳаётга эришишнинг ойдин йўлини белгилаб берди, десак, муболага қилмаган бўламиз.

(Давоми 3-бетда).

### Янги Ўзбекистон прокуратураси:

## Ислохотларнинг дастлабки самаралари

Нигматилла Йўлдошев, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 17 август куни «Янги Ўзбекистон» газетасида эълон қилинган интервьюсида қайд этилганидек, истиклол йилларида юртимизда янги давлат ва жамият қуриш йўлида тарихий ишлар амалга оширилди, мард ва олижаноб халқимизнинг буқилмас иродаси ва улкан салоҳияти билан катта марралар забт этилди.

Айни пайтда мустақил тараққиёт даврида эришилган ютуқлар қаторида йўл қўйилган айрим хато ва камчиликлар бугунги ҳаёт, мавжуд воқелик ҳамда эл-юртимизнинг эртанги тақдири тақозо қиладиган объектив зарурат — янги Ўзбекистонни барпо этиш вазифасини давлатимиз ва халқимиз олдида қўйди.

Бинобарин, нафақат халқимиз, балки жаҳон жамоатчилиги томонидан ҳам эътироф этилаётганидек, Ўзбекистонни тамомила ўзгартирган тараққиётнинг янги босқичига Президентимиз томонидан бундан қарий беш йил аввал асос солинди. Бу давр, аввало, инсон қадр қимматини жойига қўйиш, унинг ҳақ-ҳуқуқларини амалда рўёбга чиқариш сари узоқ кутилган қадамларнинг ташлангани билан ҳам аҳамиятлидир.

Энди жамиятдаги, қолаверса, ҳар бир соҳа, тармоқ ва ҳудуддаги ҳар қандай муаммо ҳақида очиқ гапириш, унинг ечими юзасидан тақлиф ва ташаббусларни илғари суриш мумкин. Энг муҳими, фуқаро ўз талабларини давлатнинг масъул тузилмалари ва мансабдорлари олдида қатъий қўйиши оддий ҳолга айланди.



### Нуктаи назар

## ВАЛЮТА СИЁСАТИ

### ЎЗБЕКИСТОН ҚАНДАЙ ЁНДАШУВНИ ТАНЛАДИ?

«Энг банд минора ҳам ердан кўтарилмай». Бу, етти аср аввал айтилган ҳикमत! Сохибқирон бобомизнинг ана шу кўҳна фалсафаси эзгу ишлар ибтидосяга ҳам ишора. Зеро, йўлчилик олға ташланган одимдан бошланади. Шу маънода, ўтган кейинги беш йил халқимиз учун янги тарихий даврнинг бошланиши бўлди.

Ҳўш, ана шу қисқа вақт ҳаётимизда қандай ўзгаришлар ясади? Эришган муваффақиятларимиз нимаси билан қадрли, юртдошларимиз ўтаётган бугунги кундан розими? Эртанги кунга, келажакка бўлган ишончу интилиши қанчалик қатъий?!

#### Давлатимиз халқ дардига кулоқ тутмоқда

Инсон ўз тақдирини ўзгартиришга қодир. Аммо бунинг учун, аввало, таваққур ўзгаришнинг лозими. Янги Ўзбекистондаги ислохотларнинг муваффақияти айни шу омили билан боғлиқ. Президентимиз халқимизга фаровон ҳаётни ваъда қилар экан, бунга эришиш учун бирдамлик, ҳамжихатлик зарурлигини қайд этади. Яъни одамларимиз ўз орзу-интилишларини рўёбга чиқариши

учун ҳар қачонгидан ижтимоий фаол бўлишлари шарт! Шу тарихида Ватанга дахлдорлик ҳисси ўсди. Юртдошларимиз ўз ҳақ-ҳуқуқлари, манфаатларини талаб ва ҳимоя қилишни ўрганди.

Энг муҳими, бунинг учун зарур механизмлар яратилди — халқ дарду ташвишларига, арзу муаммоларига кулоқ туттиш давлат маҳкамаларининг, катта-кичик амалдорларнинг кундалик ишига айланди.















